

---

## Азалий қадриятдир бу-меҳр-мурувват

Одамларга меҳр-оқибат кўрсатиш, бир оғиз ширин сўз билан бўлса-да далда бўлиш, уларни ҳушёрликка чақириш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Ана шундай дамларда туманнинг Элчи маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари ҳудуддаги саҳоватпеша фуқаролар билан биргаликда Элчи ва Ғани қишлоқларида "Меҳр-мурувват столи"ни ташкил этиб, инсонийлик ва меҳр-оқибат хислатлари ҳеч қачон йўқолмаслигини яна бир бор намоиш этишди.

Ҳудуддаги эҳтиёжманд ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар учун беминнат озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатиш учун ташкил этилган мазкур эзгу тадбир бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг яна бир ёрқин намунаси бўла олди.

Туманимизнинг бошқа кўплаб маҳаллаларида ҳам ана шундай эзгулик ва яхшиликка йўғрилган хайрия тадбирлари ташкил этилиб, айна синовли кунларда меҳр-мурувват, саҳоват каби халқимизга хос хислатлар янада кўпроқ намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати





2020-03-31 19:04:09